



e-mail: xxi_asr@umail.uz



24-IYUN
2021-YIL
25 (919)

web sayt: www.21asr.uz

@XXIasrofficial

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqq boshlagan

ASR IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

БИТТА НАРСАНИ БИЛИБ ҚЎЙИНГЛАР, БУ ОЧИҚЛИК ҲЕЧ ҚАЧОН ОРҚАГА ҚАЙТМАЙДИ. ОЧИҚЛИК ҚАНЧАЛИК КЎП БЎЛСА, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАҚИҚИЙ МУАММОЛАРНИ, ҲАҚИҚИЙ ҲОЛАТНИ ҚОНУНИЙ ЙЎЛЛАР БИЛАН ҚАНЧА КЎП БИЛДИРСА, МЕН РАҲБАР СИФАТИДА УЛАРДАН МИННАТДОР БЎЛАМАН.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



12

Хушхабар

“Ташаббус – 2021” фолиби О‘zLiDePдан!

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус – 2021” кўрик-танловида Қорақалпоғистон Республикасидан “Муунақ Тур” МЧЖ раҳбари, О‘zLiDeP фаоли Амина Бегжанова ҳам қатнашиб, финал босқичига йўлланма олган эди. Мана, “Энг яхши тадбиркор аёл” йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади. Унга I даражали дип-

лом ва Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси – “Nexia-3” автомобили топширилди.

– “Муунақ Тур” МЧЖ 2017 йилнинг феврал ойида фаолиятини бошлаган эди, – дейди Амина Бегжанова. – Туристлик агентлигимиз Муйноқ шаҳри, Орол денгизи ва бошқа жойларга яқка ёки гуруҳ бўлиб саёҳат қилмоқчи бўлганларга хизмат кўрсатади. Ходимларимиз тажрибали, ўз соҳаси бўйича етук малакали

кадрлар. Турбизнес стандартлари бўйича фаолият олиб боради.

Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларга турли тилларда хизмат кўрсатиш, автотранспортлар тураржойи билан таъминлаш аъло даражада. Шунингдек, музей, театр, кўргазмалар ва бошқа диққатга сазовор жойларни таништириб борамиз. Сифатли меҳмонхона хизмати, авиа ва темир йўл чиптаси, виза олишга ёрдам бериш кўнгилдагидек.

Муйноқ шаҳрида Орол денгизининг ултонида ҳар бири 3-4 ўринли қора уйлاردан иборат лагерларимиз ҳам бор. Қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек миллий таомлари билан уч маҳал меҳмонларни сийлашга ҳаракат қиламиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

О‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Сувдан фойдаланишда қандай ўзгаришлар бўлади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги фаолиятнинг ҳуқуқий негизини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Депутатлар дастлаб "Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

МАВЛУДА ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси:

– Таклиф этилаётган лойиҳага мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексида шахсни гайририхтиёр тартибда наркология муассасасига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасида ётиш муддатини узайтиришни назарда тутувчи янги 321-боб билан тўлдирилмоқда. Ушбу моддадан иборат ушбу бобда ариза бериш, ишни кўриб чиқиш тартиби, асослари ва суднинг ҳал қилув қарори ҳақидаги нормалар ўз аксини толган. Фракциядошларимиз билан биргаликда лойиҳани биринчи ўқишда қўллаб-қувватладик.

“Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

ЗАФАР ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси:

– Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган, фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган кенгаш раисининг ўринбосари лавозими жорий этилгани ҳамда кенгашнинг янги тузилмаси ташкил этилгани муносабати билан қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, фармонда белгиланган илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини интернет тармоғи орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш, судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи элек-

трон дастурни ишлаб чиқиш, жорий қилиш, судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш шулар жумласидандир.

Судьялар ҳамжамияти органи нуфузини ошириш, судьяларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш, ваколатини тўхтатиш ва тугатишда ҳолисликни таъминлаш мақсадида интизомий, жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун розилик бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш Судьялар олий кенгашида коллегиал муҳокамадан ўтказилади. Лойиҳани қабул қилиш орқали суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, кенгаш фаолиятини такомиллаштириш, судьялик касбининг обрўсини оширишга эришилишини ҳисобга олиб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулладик.

Дехқончилик кенг ривожланган юртимизда сув ресурсларини оқилона бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Ҳаёт манбаи бўлмиш сувни азалдан халқимиз тежаб, оқилона фойдаланган. Шу жиҳатдан йиғилишда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизгин тортишувларга сабаб бўлди.

БАХИТБАЙ АЛДАМУРАДОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси:

– Биринчи ўқишда кўриб чиқилаётган аниқ ҳужжат билан қонуннинг 29 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари кучайтирилмоқда. Корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқароларга сув объектларининг сувни муҳофаза қи-

лиш ва санитария-муҳофаза зоналари режимини бузиш тақиқланмоқда. Ерости сувларига қудуқларни бурғилаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилдиган рухсатнома асосида амалга оширилиши тартиби киритилляпти. Унинг қабул қилиниши сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишни жадаллаштиради. Ушбу нёъматдан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги объектларини ишлатишда давлат-хусусий шериклиги тамойилларини жорий қилиш ва давлат бюджети харажатларини камайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда кейинги масала – “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

ШАҲНОЗА ХОЛМАҲМАТОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси:

– Ушбу лойиҳа билан Фуқаролик процессуал кодексига янги институт жорий этилмоқда. Хусусан, агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ўн бараваридан, фуқароларга нисбатан эса беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, ишларни соддалаштирилган тартибда юритиш қондалари ва тартиблари назарда тутилмоқда. Энг асосийси, бундай тартибдаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда кўриб чиқишлири даркор. Фракциядошларимиз билан ушбу қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда қўллаб-қувватладик.

Йиғилишда фракция ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири



Тоҳиржон АҲМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси

Маҳаллалар ишбилармонлик манзилига айланади

Президентимизнинг Андижон вилоятига навбатдаги ташрифи ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ ўтди, дейишга асослар етарли. Боиси учрашувларда умумий гаплардан воз кечилди. Молиявий манбалари кафолатган аниқ режалар – истиқболли дастурларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Энг муҳими, ҳар бир лойиҳанинг эгаси борлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса ижро назорати нуқтаи назаридан биз депутатлар олдида ҳам кўплаб вазифаларни қўяди. Улуғвор ишларнинг белгиланган муддатларда сифатли ба- жарилишини таъминлаш халқ вакилларига катта масъулият юклайди.

“Андижоннинг бирини икки қилиш учун яна қандай ўсиш нуқталари бор, одамларни қийнаётган нима муаммолар бор, деб савол қўйиб, уларга чора топиш зарур”, деди давлатимиз раҳбари. Бу даъво худуддан сайланган депутатларни янада масъулиятли, ёниқ қалбли, айниқса, шижоатли бўлишга ундамоқда.

Вилоят жамоатчилиги билан ўтказилган йиғилиш долзарб муаммолар ечимига бағишланган ўзига хос аҳамият касб этди. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, иш ўринлари яратиш масалаларини камраб олган жонли мулоқотда хунармандчилик, томорқа ва иссиқхона хўжалиги, боғдорчилик, гулчилик, паррандачилик каби йўналишларга жиддий

эътибор қаратилди. Ўсиш нуқталари бўйича ҳар бир маҳаллага салоҳиятли тадбиркорларнинг масъул этиб бириктирилгани бежиз эмас. Айни жиҳат барча маҳалларда ўз-ўзидан тажриба мактаби яратилиши, яъни табиий равишда ишбилармонлик манзилига айланишига хизмат қилади.

Қувончли томони шуки, Президентимиз жорий йилда вилоятимиз ўрта ва кичик бизнесини қўллаб-қувватлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилишини маълум қилди.

Асака туманидаги “Асака текстиль”, Жалақудук туманидаги “Зумрад текстиль” корхоналарида янги қувватлар, Хўжаобод туманида цемент заводи ва қурилиш материаллари кластери, “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасида шприц корхонаси ишга туширилиши билан вилоятда бандлик муаммоси имкон қадар бартараф этилади. Пировардида иқтисодий тараққиёт, импорт ва экспорт салоҳияти ошади.





Ўзига ўзи галати савол бериб, унинг гаройиб жавобини топмагунча тинмайдиган кишилар талай. Мен шундай инсонларнинг уч-тўрт нафари билан салом-алиқ қилиб тураман. Баъзида жайдари тарзда сотилган “фалсафа”-ни тинглашга кетган вақтимга ачинсам, айрим ҳолларда (ва кўпинча) самимий мулоҳаза чигириги ҳосилаларидан баҳра оламан. Мавзу моҳиятини анчагача ўйлаб юраман. Масала мағзини чақиш бетакрор завқ бағишлайди, рост.

Мана бу кўшсаволнинг мазмунига диққат қилинг:

Сайлов нима учун муҳим сиёсий тадбир ҳисобланади ёки танлов (сайлов) нега инсоннинг энг устувор ҳуқуқларидан бири саналади?

Ҳаётни танловсиз тасаввур қилиш қийин. Кийим-кечак ёхуд рўзгор буюмларини кўя туринг, ҳатто тандирдан ўзлаётган нонларни ҳам танлаб, сайлаб оламиз – суяк-суягимизга синган одат.

Бироз мозийга қайтиб, улуснинг оқсоқоллари, элнинг бошчилари қандай майдонга чиққанини қарасангиз ҳам, ушбу жараён замирида одамлар хоҳиши – кўпчилик истаги мужассам эканига амин бўласиз.

Магрибу Машриқ ҳозирга қадар шу тахлит турмуш кечиради. Халқ ҳокимияти, яъни демократия тушунчасини англашнинг бундан самарали усули яратилмаган ҳалигача. Фақат бурунги ва бугунги сайловларнинг фарқлари мавжуд.

Аввало, иштирокчилар миқдоридан тафовут катта. Йилдан йилга аҳоли сонини ошириб бориши мутаносиб равишда сайловчиларнинг кўпайишига таъсир кўрсатаяпти.

Иккинчидан, электоратнинг ортиши туфайли сайловни ташкил қилувчи ходимларни кўпроқ жалб қилиш зарурати юзага чиқмоқда.

Учинчидан, харажатларни ифодаловчи рақамлар кўп хонали тоифага киргани аксиома.

Тўртинчидан, янги ходимларнинг малакасини ошириш учун ташкил этиладиган семинар-тренингларга умумий ҳисобда чакана пул сарфланмайдиганлиги.

Бешинчидан ва энг асосий жиҳатларидан бири сифатида сайловга қизиқиш тобора кучайиб бораётганини таъкидлаш жоиз.

Охиридан бошласак. Жаҳон ҳамжамияти, хусусан, узоқ ва яқин кўшнилариимиз жорий йилнинг октябрь ойига режалаштирилган сиёсий тадбирга тадорикни диққат билан кузатиб тургани, бу борада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партиялар қандай сайловолди дастурларини илгари сураётганини таҳлил қилаётгани бежиз эмас. Зотан, айнан мана шу воқеанинг натижаларига қараб Ўзбекистон кейинги беш йилликда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қайси йўналишларига алоҳида уруғ бериши, инвестиция сиёсати

Устувор ҳуқуқнинг улуғвор ҳосиласи

тамоийллари ва хорижий ҳамкорлар билан бизнес юртида қандай ўзгаришлар кутулиши ойдинлашади.


Кези келганда, Марказий сайлов комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлашга оид масалалар кўриб чиқилганини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонунга биноан сайлов билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида МСКга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдори 300 миллиард сўм этиб белгилангани эълон қилинди.

Жумладан, 14 та округ сайлов комиссиясининг ҳар бирига 56 миллион 991 минг сўмдан, шунингдек, қарийб 10 800 та участка сайлов комиссиясининг ҳар бирига 11 миллион 813 минг сўмдан маблағ ажратиш режалаштирилган. Округ ва участка сайлов комиссиялари учун ажратилаётган маблағларнинг 80 фоиздан кўпроғи мазкур комиссиялар аъзоларининг иш ҳақи, компенсация ҳамда ягона ижтимоий тўловлар учун сарфланади. Пандемия шароитида сайлов комиссиялари аъзолари ва сайловчиларнинг саломатлиги билан боғлиқ хавфсизлигини таъминлаш учун шахсий ҳимоя воситалари ва дезинфекцияловчи материаллар харидига доир маблағлар ҳам назарда тутилган.

Сайлов комиссиялари аъзолигига жалб этиладиган номзодларнинг билими ва кўникмасини ошириш мақсадида “каскад” усулида ташкил этилган ўқув машғулоти учун юрт ғазнасида 18,4 миллиард сўм берилаётган бўлса, ушбу сумманинг 92 фоизи тренерларнинг иш ҳақига сарфланиши ҳам замонавий сайловларнинг бир қисмидир.

Тренингларда сайловнинг ўзига хос томонлари, миллий сайлов комиссиялари тизими, уларнинг ваколатлари ва вазибалари, сайлов



жараёнида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштироки, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайлов кунини овоз беришни ташкил қилиш, сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш тартибига оид мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказилиши ҳам жаҳон тажрибасига мос ва монанд масаладир.

Экспертлар эътибор қаратаётган жиҳатлардан яна бири энди сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиши жойи ва вақти ҳақида туман (шаҳар) ҳокимликлари камидан уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилиниши билан боғлиқ. Бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб этилмайди.

Сайлов жараёнларида тобора шафқофлик кўзга ташланаётгани одамларнинг жамиятда ва ҳаётда қонун устувор бўлишига ишончини янада мустаҳкамлаб, сўз ва фикр эркинлиги, илмий-ижодий рух, ташаббускорлик, фуқароларнинг ўз салоҳиятини намоён этиш сари дадил интилиши, сайлаш ва сайланишдек устувор ҳуқуқларнинг улуғвор ҳосиласини теран англашга ундамоқда.

Қонунчиликдаги демократик ўзгаришлар эса одамлар онгу тафаккури, турмуш даражаси ва жамият равнақига хизмат қилади. Бу жараён кўп жиҳатдан сайлов қонунчилигидан бошланади. Эркин, очик сайлов тизими ҳуқуқий

демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг энг зарур омилларидандир. Чунки фуқаролар сайлов орқали давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этади. Буни сўнги йилларда мамлакатимиз сайлов тизимини

каби муассасаларда, уларнинг қатъий ички тартиб-қоидалари талабларидан келиб чиққанда, сайлов участкаси аъзоларини бундай тартибда тузиш қийинлиги ҳам аён. Шу боис кодекснинг мазкур моддаси учинчи қисмига: “бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно”, деган қоида киритилди.


Шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятининг молиявий шафқофлигини таъминлаш мақсадида улар томонидан сайловдан олдин оралиқ ва сайловдан сўнг якуний молиявий ҳисоботларни ҳамда Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилди. Аслини олганда, сайлов қонунчилигига сайлов жараёнига такомиллаштиришга қаратилган ҳар бир ўзгартиш ёки қўшимча, у кимгадир “арзимасдек” туюлса-да, улкан заҳмат, чуқур таҳлил ва амалий синовлар эвазига амалга оширилади.

Зеро, миллий сайлов тизимидаги ўзгаришлар мамлакатда кечаётган изчил ислохотлар ва ривожланиш, сиёсий-ҳуқуқий юксалишнинг мантикий давомидир.

Сайловнинг ўзи, айниқса, унга тайёргарлик жараёни сиёсий кучлар учун аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш, халқчил ғояларни тарғиб этиш ҳамда партиядан кўрсатиладиган номзоднинг сайловолди дастури орқали электорат манфаатларини янада реал ифодалашнинг зўр фурсатидир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аввалги сайловларда мазкур имкониятдан самарали фойдаланган. Мақола ибтидосида тилга олинган жайдари фалсафа муаллифларининг нуқтаи назарига, O'zLiDePнинг устуворлиги бу гал ҳам кўзга ташланаётган. Бироқ галаба осонликча қўлга киритилишини чамалаётганлар мутлақо янглишади. Кураш кескин бўлиши шубҳасиз. Рақобатчи партияларнинг аҳоли орасидаги рейтингини ўнглаётган лойиҳалари ҳам кам эмас.

Бунинг бош сабаби кейинги йилларда мамлакатимизда шахсан давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли сўз ва сайлов эркинлигини амалда таъминлаш юзасидан олиб борилётган тизимли ўзгаришларнинг натижалари билан бевосита боғлиқдир.

ЎЗИ НОЗИК, ДИЛИ НОЗИК аммо юрт фаровонлиги ва ривожига ҳиссаси бекиёс



Мамлакатимиз иқтисодидеги, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида тадбиркор ва фермер хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини кенг тарғиб қилишда “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ўрни бекиёс.

Қашқадарё

Фермер аёллар нега иштирок этмаяпти?

Қашқадарёда мазкур танловнинг туман, шаҳар босқичлари доирасидаги тадбирларда 200 га яқин хотин-қиз иштирок этди. Ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни намойиш қилиш баробарида ишбилармонлик салоҳияти, хотин-қизлар бандлиги ва фаровонлигини ошириш борасидаги амалий ишлари ҳақида тўпланганларга сўзлаб беришди.

Муборак туман босқичида биринчи ўрин “Десерт кафе” фирмаси раҳбари Дилноза Ярашевага насиб этди. 2017 йилдан буён тадбиркорлик қилиб келаётган Дилноза ўз раҳбарлигидаги цехида тайёрланаётган ҳар хил турдаги қандолат маҳсулотларидан нафақат туман аҳолиси, балки воҳадоларнинг ҳам дастурхонига файз киритмоқда. Бу ерда 27 нафар хотин-қиз банд. Иккинчи ўринга сазовор бўлган Шахло Бобоқулова 2018 йил “Ясмина Туркия модел ОТТ” тикув цехини ташкил этган эди. 20 нафар хотин-қиз миллий либос, қуроқчилик, гилам, сумкача, дўппиларни ишлаб чиқаришяпти. Учинчи ўринга муносиб кўрилган Зухра Бобоқулова “Миллий либослар ЯТТ” тикув цехини ташкил этганига эндигина бир йил бўлди. 4 нафар хотин-қиз томонидан тайёрланаётган замонавий либослар ўта харидорлар.

Чирокчи туманидаги Чамбил қишлоғи аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади. “Чамбил Ойсанами” оилавий корхонаси раҳбари Ойсанам Жуманова ҳам 30 бош чорва молини парваришлаб келмоқда. 5 нафар янги иш ўрни яратган. Келгусида банкдан сармоя олиб, хоридан наслдор чорва моллари келтирмоқчи. Таъкидлашча, туманда чорвачилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун банклардан имтиёзли кредит ва молларни боқиш учун яйлов майдонлари ажратиш борасидаги ишлар яхши эмас.

Миришкорлик O'zLiDeP фаоли Раҳмоной Шодмонованинг

ташаббускор ва ташкилотчилиги алоҳида эътироф этилди. Дарҳақиқат, бу меҳнатсевар аёл тадбиркорлик билан шуғулланаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Тикув цехи ташкил этиб, 4 нафар қизни ёнига олди. Яна ўкув маркази фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Ҳозиргача бу ерда касб ўрганган ўндан ортқ миришкорлик қизлар тадбиркорлик бошлашди.

Шаҳрисабзлик Дилрабо Хайруллаева ёшлигидан ироқи кайтачилиги билан шуғулланади. Маҳсулотларига хорижлик сайёҳлар харидор. Муттасил изланиб, момолардан мерос бўлиб келган қадимий кашталарни қайта тиклади. 3 нафар ишчиси у яратган сержило ва бетакорр нақшларни матога муҳраб беришяпти.

Шаҳрисабз туманидан Мафтуна Турдиева эса қадимий ва миллий тақинчоқларни тиклаш, янгиликларни кашф этиш борасида кўп йиллардан буён изланиб, ижобий ютуқларни қўлга киритди. Айни пайтда унинг мўъжазгина уй-музейдан дебаҳо санъат дурдоналари ўрин олган. Зебигардон, билагузук, ҳалқа, пешонабанд, занжир ва бошқа ноёб тақинчоқларни маҳаллаларда яшаётган кекса отахон ва

Хуллас, “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг шаҳар, туман босқичларида турли соҳада фаолият юритиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали ёшлар учун янги иш ўринлари яратган тадбиркор, хунарманд ҳамда яқиндагина бизнесини йўлга қўйган хотин-қизлар “Замонавий ташаббускор аёл”, “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли”, “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл”, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” номинациялари бўйича тақдирланди.

– “Ишбилармон аёл” лойиҳаси доирасидаги тадбирларда қирққа яқин қизларнинг бандлиги таъминланди, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Гулбаҳор Тўраева. – Танлов жараёнида аниқланган, тадбиркор хотин-қизларни қийнаб келатган банклардан имтиёзли кредит олиш, корхона куриш учун ер майдони ажратилиш, солиқлардан имтиёз бериш борасидаги муаммоларни кен-

илфор тадбиркор ва фермер аёллар қатнашмаяпти. Агар тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиб, танловнинг туман, шаҳар босқичларида воҳадаги таниқли ишбилармон хотин-қизларнинг иштироки таъминланиб, улар раҳбарлик қилаётган илфор корхоналарга борилиб, ёш қизларга мастер класс ўтилганида танлов ўз мақсадига тўла эришган, нуфузи янада ортган бўларди.

Бухоро

Меҳнатнинг роҳати бор

O'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши ҳам кўрик-танловнинг кўтаринки кайфиятда ўтказилишига эришди.

Натижаларга кўра “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл” номинациясида тиниб-тинчимас Дилором Файзиева ғолиб бўлди. У Бухоро шаҳридаги “Файз курилиш моллари” МЧЖ раҳбари. Фаолиятда юқори натижаларга эришгани ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди. 27 йилдирки, ушбу корхонани бошқариб, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Асосан пропилендан қоп ишлаб

ҳаракати билан “Диёр маркет савдо” мажмуаси ҳамда 8 қаватли меҳмонхонада 37 та, Бухоро туманидаги 4 гектар майдонда ташкил этилган исмиқхонада эса 60 та иш ўрни яратилган.

“Замонавий ташаббускор аёл” номинациясида “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ёш тикувчи, дизайнер Дилноза Баротова ғолиб сифатида эълон қилинди. Халқимизнинг бой ўтмиши, маданияти, анъана ва қадриятларини тикувчилик ва дизайнерлик ишларида акс эттиришда унинг салмоқли ҳиссаси бор. Кейинги пайтда вилоят ва республика миқёсида ўтказилган фестивал ва кўрғазмаларда моҳир тикувчи яратган бир-бирдан бежирим бўюм ва маҳсулотлар алоҳида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Кўп сонли соҳа ходимлари ва талабчан мутахассислар иштирокида ўтказилган Ўзбекистон-Қозғоғон туристик форумида намойиш этилган Бухоронинг қадимий либослари ҳеч қимми эътиборсиз қолдиргани йўқ. Воҳанинг диққатга сазовор жойлари, хусусан, меҳмонхоналарнинг ташқи ва ички кўринишларини безатишда қизгинанинг дизайнерлик маҳорати ва истеъдоди қўл келяпти.

“Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли” номинацияси бўйича эса ғолиблик Махсад Ҳамроевага насиб этди. У аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга гамхўрлик кўрсатган тадбиркор аёл, тажрибали фермер, уста хунарманд сифатида ана шундай шарафга муносиб кўрилди. Қўлда тўқши санъатини ривожлантириб, ушбу йўналишда республика ва вилоят кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллашга эришган ишбилармон бугунги кунда 100 дан ортқ опа-сингилларимизга бу мураккаб касбнинг сир-асрорларини кунт ва меҳр билан ўргатиб келмоқда. Ундан таҳсил олиб, хунар ўрганган 400 дан зиёд хотин-қизнинг аксарияти мустақил равишда фаолият олиб боришмоқда. Пойабзал тикиш, газлама тўқиш, транспорт воситалари ўриндиқлари учун жилдларни тайёрлашни ҳам тиришқоқ шогирдлар айнан ундан ўрганишган.

Меҳнатнинг роҳати бор бўлганидек, танловнинг Бухоро шаҳри босқичи ғолиб ва совриндорлари хизматлари эвазига рағбатлантирилди. Ҳомий ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланишди.

Саҳифани “XXI asr”
муҳбирлари
Сайфулла ИКРОМОВ,
Асхур ИСТАМОВ,
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
тайёрлади.



онахонлардан сўраб-суриштириб, тарихий санъат китоблари тарихий варақлаб, унутилиб кетаётган дурдоналарни қайта кашф этаёттир. У тиклаган ёки янгидан ижод этган миллий тақинчоқларнинг асосий қисми тарихий музейлардан жой олиб улгурди. Ишбилармон қизнинг фикрича, кўпроқ маҳаллий маҳсулотларнинг савдо ярмаркаси ташкил этилса ва уларга ёшлар тақдир этилса, бандликни ошириш имкони яратилади. Дарвоқе “Мунчоқли безак” ўкув марказида қизлар металдан миллий тақинчоқлар ясаш сирларини ўрганмоқда.

гашлар ва депутатлик гуруҳлари ўрганиб, ижобий ҳал этиш юзасидан амалий ишларни бошлаб юборишди.

Кези келганида айтиш жоизки, кейинги йилларда иштирокчиларнинг аксариятини воҳадаги тикувчилик, қуроқчилик, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ташкил этаётгани кишини таажубга солади. Негадир бу танловда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириб, инвестицияларни жалб этган ҳолда замонавий корхоналар ташкил этган, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган

чиқаришга ихтисослашган корхонада бугунги кунда 68 нафар кишининг бандлиги таъминланган. Корхонанинг асосий иш фаолияти эндиликда 8 йўналишда давом этапти. Айниқса, инновацион гоғларнинг кенг қўлланилаётгани ютуқлар омил бўляпти. Хитойдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Келгусидаги асосий вазифалардан бири эса принтерли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. Фаолиятдаги устувор натижалар фақат бу эмас. Унинг сай-

24-ИYUN

Сунги йилларда мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида янгича иш усулларидан, ташаббуслардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларга “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида деҳқончилик, боғдорчилик қилишлари учун ер майдони ажратилиб, доимий даромад манбасини яратиб бериш борасида амалга оширилаётган сазй-ҳаракатлар фикримиз исботи.

Хўш, бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган бу ҳаракатнинг амалий самаралари қандай бўлмоқда? Ажратилган ер майдонларидан ёшларимиз унумли фойдалана олаётдиларми? Бу ташаббуснинг қутилганидек самара бериши учун нима қилиш керак?

Мазкур саволларга жўялироқ жавоб топиш ва ҳақиқий аҳвол билан танишиш, бево-сита соҳага дахлдор шахслар, ёшлар билан мулоқот қилиш мақсадида O'zLiDeP Жиззах

уни “сонга киритиш” учун ўзи ишсиз ҳисобланган ёшлар маблағни қаердан олади, деган савол кўпчиликини ўйлантираётганди.

Бу муаммо ҳам бамаслаҳат ўз ечимини топди, ёшларга ер ажратилди. Хўш, ўтган вақт давомида қандай ўзгаришлар кўзга ташланди?

Мирзачўл туманида рўйхатга олинган жами 7384 нафар ёшларнинг 972 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган эди. Айтиш мумкин, уларнинг 555 нафари “Ёшлар дафта-



ЖЎЖАНИ ЁЗДА ҲАМ САНАШ МУМКИНИМИ?

Ёшлар ўзларига ажратилган ер майдонларидан қандай фойдаланяпти?

вилоят ҳудудий партия ташкилати “Ёшлар қаноти” гуруҳи раҳбари Холбек Асадов билан Мирзачўл туманига йўл олдик.

“Ҳар бир ёшга бир гектар лойиҳаси”, айниқса, қишлоқ ёшларида катта қизиқиш уйғотди. Ер олувчилар рўйхатига кирганларга ҳавас билан қараганлар қанча бўлди. Тўғри-да, ер – миллий бойлигимиз, заминга бўлган меҳр-муҳаббат эса ҳар биримизга она сuti билан сингган. Энг долзарб муаммо – ёшлар бандлигини таъминлаш борасида яна ерга таянганимиз ҳам беҳиз эмас. Боиси ҳар қандай муаммони енгитишдаги дастлабки қадам одамнинг ўй-хаёлида, дунёқарашида кечадиган ўзгаришларда шаклланишини ҳисобга олсак, ерга эгаллик ҳисси, мулкдорлик тушунчаси кечагина ишсиз ҳисобланган ёшларга катта руҳий қувват бергани, уларни ҳаракат қилишга ундагани бор гап.

Фикру ўйимиз, истагимиз қанчалик эзгу бўлмасин, ёшларга ажратиладиган ер майдонларини бошқа ҳудудлардан келтиришнинг иложи йўқлиги, бу лойиҳани ҳам мавжуд ер майдонлари ҳисобига амалга оширишга тўғри келиши табиий ҳол эди. Айна дастлабки муаммо шундан келиб чиқшини ҳам кўпчилик англаб турганди. Чунки фойда келтираётган фермер ёки кластер ерларини ёшларга беришга ҳамма ҳам рози бўлавермайди-да. Ташландиқ ерлардан жой ажратилса,

ридан чиқарилган. Улардан 405 нафарига 0,5 гектардан ер берилгани боис рўйхатдан чиқарилганини ҳисобга олсак, ёшлар бандлигини таъминлашдаги энг асосий масала – уларга ер ажратилгани экани аниқ бўлади. Чунки фақат 4 нафар ёшга субсидия берилган, 91 нафарига кредит ажратилган, ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 148 нафарни ташкил қилади. Бошқа ишга кирган, ҳайдовчилик гувоҳномасини олган, бола парвариши билан банд ёки ҳарбий хизматни ўтаётган ва ўқишга кирганлар маълумотдаги қолган йигит-қизларга тегишли рақамларни ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, туманда “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ва бугун расман бандлиги таъминланди, деб ҳисобланаётган ёшларнинг асосий қисмига 0,5 гектар ер майдони берилган. Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими мутахассислари берган маълумотларга қараганда, фақат бир киши ажратилган ер майдонини қўтариб олишларини сўраб мутасаддиларга ариза билан мурожаат қилган. Сабаб – ер майдонининг шўрланиш даражаси баланд, сув таъминоти оғир. Унинг мазкур ер майдонига қилган харажатларини қоплаш ва унинг ўзини бошқа ишга жалб этиш чоралари кўрилган.

Туман ҳудудидаги деҳқончилик қилинадиган майдонлар аҳволи турлича. Қаердадир ер анчагина шўрлаган, катта

маблағи, техникаси бор тажрибали фермерлар ҳам ўз фаолиятида талай муаммоларни енгиб ўтишларига тўғри келади.

“Пахтазор” шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида яшайдиганларга омад қулиб боққан. Ер майдонларининг аҳволи, энг муҳими, сув таъминоти кўшиқларга нисбатан яхши.

Ҳудудда истикомат қиладиган 623 нафар ёшнинг 41 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган. Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимидан берилган маълумотларга қараганда 25 нафар, маҳалла фаолларининг маълумотларига асосланадиган бўлсак, 26 (!) нафар ёшга 0,5 гектардан ер майдони ажратилган. Нега рақамлар турлича, тушунарсиз...

Уларнинг 19 нафарига тумандаги “Санзор текстиль” кластерига қарашли 9,5 гектар майдон берилган. Ажратилган ер майдон деҳқончилик учун қулай. Кўпгина фермерлар орзу қиладиган жойлар. Бироқ ажратилган ердаги аҳвол, юмшоқроқ қилиб айтганда, кўнгилдагидек эмас...

Майдонни бетон ариқ ажратиб турган фермер далаларидаги кўзни қувнатиб турган аҳвол билан солиштирсангиз, аҳвол қишлоқда улайган, далада суяги қотган ҳар қандай кишининг ачинишига сабаб бўлади. Ола қуроқ кўрпачадек бўлиб ётибди. Ҳар 0,5 гектар ер ўз эгаларининг имкониятидан, меҳнатга муносабатидан шундоққина

дарак бериб турибди. Кимдир маккажўхори эккан бўлса, кимдир эндигина ерни қайтадан экинга тайёрлаб, нимадир ундириш илинжида.

Айтишларича, сув бўлмаганлиги сабабли дастлабки экинлар униб чиқмаган. Шу майдондан ер олган Нигора Жўрақулованинг айтишича, дастлаб ҳайдалган ер майдонлари бўлиб берилган экан. Аммо экин ишлари бошлангунча далани ёввойи ўт босиб кетгани учун ерни қайтадан ҳайдатишибди. Ўз ҳисобларидан, албатта. Уруғлик Ёшлар ишлари агентлиги туманидан бўлими мутасаддилари томонидан олиб берилибди.

Қишлоқда ўсган, ориятли қиз эмасми, Нигора андишага бориб муаммоларни айтгиси келмайди. Фақат ер ажратиб беришгани учун миннатдорлигини билдирди. Қолгани ўз ҳаракатларига, меҳнатларига боғлиқлигини таъкидлайди. Вақти билан ҳаммаси изига тушиб кетишига ишонади. Бироқ бу йилги сазй-ҳаракатлар самараси нима бўлади? Ажратилган майдондан қандай даромад олиш мумкин? Ахир унумли, даромад келтириб турган ер майдонларини фақат номига, ҳисобот учунгина ёшларга ажратиб берилмагани аниқ-ку!..

Ёшларга ажратилган ҳудуддаги аҳволи кўриб, бу ерга мутасаддилар зудлик билан эътибор қаратишлари, ер ажратдик, муаммо ҳал бўлди, қабилидаги иш усулидан воз кечишлари за-

рурлигини барча яхши англаб турибди. Чунки мазкур майдондан тажрибали деҳқон қанча фойда олган бўларди. Ёшларга берилиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган ерлардан тажрибасиз йигит-қизларнинг тузукроқ даромад қилишига эса, тўғриси, шахсан бизнинг кўзимиз етмади. Ернинг умри ўтаётганига ачинганимиз қолди, холос.

Бизга ҳамроҳлик қилган халқ депутатлари туман кенгаши депутати Эргашев Эргашев, маҳалла раисининг ўринбосари Собиржон Маматқулов сув муаммоси ҳал қилинганини, гарчи тақририй экин экилган бўлса-да, жорий йилда ҳам бу ердан қўзланган ҳосилни олиш мумкинлигини таъкидлашди.

Яна тўрт нафар ёшга “Нихол Азим” фермер хўжалиги майдонидан 0,5 гектардан ер ажратилибди. Улардан бири – Раъно Исоқованинг айтишича, яқинда мош экишибди. Ерни тайёрлашда, экишда фермер хўжалиги раҳбари яқиндан ёрдам берибди.

– Оилада тўрт кишимиз, – дейди Раъно. – Икки фарзандимиз бор. Бизга ҳам 0,5 гектардан ер майдони ажратилганидан жуда хурсанд бўлдик. Насиб қилса, шу ерда астойдил ишласак, оиламизга фойза-барока киради, деган умиддамиз.

Кўриниб турибдики, туман ёшлари ўзларига ер майдони ажратилганидан, ишли бўлганликларидан жуда мамнун. Орзу-ниятлари улғу, меҳнатга шай. Назаримизда, бу ёшларнинг орзу-ниятлари ижобат бўлиб, лойиҳадан қутилган самарага эришиш учун туманда мазкур масалага жиддийроқ эътибор етишмапти, холос. Чунки ҳали жўжани санайдиган куз келгунча кўпгина хато ва камчиликларни, юзага келган муаммоларни тўғрилаш имкони бор, назаримизда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири.
Суратни Холбек АСАДОВ
олган.



“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти



*Жонкуяр журналистларимиз,
матбаа ва нашриёт, телевидение,
радио ижодкорлари, соҳа фахрийларини*

*27 июнь — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари куни*

билан самимий табриклаймиз.

*Соҳамиздаги ижобий
ўзгаришларни кенг
жамоатчиликка холис ва
ҳаққоний етказишга беқиёс
ҳисса қўшиб келаётганингиз
учун самимий миннатдорлик
билдирамиз.*

*Сизларга сиҳат-саломатлик,
хонадонларингизга файзу барака
тилаймиз.*

*Келгуси фаолиятингизда улкан
муваффақиятлар
ёр бўлсин!*



SANOATQURILISHBANK

Ҳурматли журналистлар!

Барчангизга Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб,
фарзандлар камолини кўриб яшаш насиб этсин.

Оилангиздан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингиздан
тўкин-сочинлик аримасин.

Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!



“Агробанк” боғдорчиликни ривожлантиришда фаол

■ Бухоро вилоятининг Вобкент, Шофиркон, Ғижду-
вон, Ромитан, Бухоро туманларида олиб борила-
ётган саъй-ҳаракатлар бунга яққол мисолдир.

Банк томонидан 2020 йили Бухоро вилоя-
тида 419 гектар майдонда боғ ташкил этилган
бўлса, бу йил 145 гектар мевазор яратилди.
Шундай хайрли ташаббусларни молиялашти-
риш учун “Агробанк”дан 70 миллиард сўмга
яқин кредит маблағи ажратилган.

Имтиёз асосида халққа ажратилган неча юз
гектар ерлар аҳолининг дастурхони тўкинлиги
ва, албатта, ҳудудлар иқтисодиёти барқарор-
лигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

– Мевали боғлар ташкил қилиш мақсадида

2020 йили Бухоро вилоят ҳокимлигига муро-
жаат этгандим, – дейди бухоролик тадбиркор
Исмаил Арслонов. – Бухоро туманидан 100
гектар ер ажратиб берилди. “Агробанк”нинг
молиявий кўмаги асосида Италия, Туркия дав-
латларидан 124 мингдан ортиқ ўрик, олма, нок,
шафтоли кўчатлари олиб келиб эқдик. Ўтган
йили май ойида ерга ниҳол қадаган бўлсак,
мана бу йил 40 тонна маҳсулот йиғиб олиб,
ички бозорга сотдик.

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-

минлашдан бошлаб, қайта ишлаш, экспортдан
кўшимча даромад олишгача бўлган жуда кўп-
лаб масалалар айнан қишлоқ хўжалиги ривож-
и билан боғлиқ. Шу маънода “Агробанк” ҳудуд-
лар кесимида боғдорчиликни кенгайтириш,
мевазорлар яратиш йўлидаги ташаббусларни
қўллаб-қувватлашни бундан кейин ҳам изчил
давом эттиради.

Юлдуз ФАЙЗУЛЛАЕВА,
“Агробанк” АТБ матбуот хизмати раҳбари

Фаргона вилояти Тошлоқ туманидаги “Қамолов Раҳматилло” фермер хўжалиги

*Ўзларининг фидойи хизмати билан мустақиллигимизни
мустаҳкамлаш, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида
халол хизмат қилиб келаётган барча соҳа вакиллари, жумладан, тараққиётимиз
локомотиви бўлган тадбиркорлик, ишбилармонлик, қолаверса, фермерлик
фаолиятини кенг тарғиб этаётган журнал шетлар меҳнати нақадар
нашаққатли ва масъулиятли эканини яхши биламиз.*

Сиз азиизларни

*27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни
билан қўтлар эканмиз, киебиниздан доимо обрў-этибор ва барака топинг,
ҳеч қачон эл назаридан қолманг, деймиз.*



Қаёб байрамингиз қўтлуғ бўлсин!

Сайловчининг уйи қуриб берилди

XXI ASR

Жорий йилнинг апрель ойида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Зухра Реймова ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир шароитда турмуш кечираётган фуқароларнинг муурожаатларини ўрганиб чиққан эди.

Атрофлича ўрганишлар давомида Нукус шаҳридаги "Чимбой чойхона" МФИда истиқомат қилувчи ик-


лашга шароити йўқлиги боис амалий ёрдам сўраб муурожаат қилгани аниқланди.

Бир вақтнинг ўзи-

Қорақалпоқ томонларга

кинчи гуруҳ ногирони П. Қушанов оила аъзолари билан авария ҳолатидаги уйда яшаб келаётгани, таъмир-

да Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ҳудудий вакили сифатида фаолият кўрсатаётган вакилимиз 2-сектор раҳбари О.Худойбергенов билан биргаликда фуқаронинг уйига борганида, ҳақиқатан ҳам, у ерда яшашнинг ўзи оила аъзолари учун хавфли экани аён бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай муурожаат ижобий ҳал қилинди. Фуқаро П.Қушановнинг яшаб турган эски уйи ўрнига янгидан уч хонали уй қуриб берилди.



Депутат ҳиммати

Ғаллакорлар тақдирланмоқда

XXI ASR

Бугун мамлакат ғаллазорларида, жумладан, Қашқадарё воҳасининг барча туманларида ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги партиямиз депутатлари эса далаларда ўрим-йиғимда иштирок этиб, барчага намуна бўлаётган комбайнчилар, ҳайдовчилар, отряд раҳбарларига О'зЛиДеР вилоят кенгашининг рағбатлантирувчи совғаларини топширмоқдалар.

Қарши туманидаги 20-Дашт сайлов округидан сайланган депутат Исмигул Хушмуродова томонидан Фузор тумани 351-от-



ряд илғор комбайн оператори Дилмурод

Туропов, 368-отряд энг намунали ИИБ

ходими Отабек Жўраев, 371-отряднинг энг

намунали банк ходими Озод Самадов ва 362-отряднинг "Энг фаол ғалла ташувчи автомашина ҳайдовчиси" Жамолиддин Исмамовга телевизор, вентилятор, чангюткич ва бошқа маиший техника ускуналари туҳфа этилди.

Эътибор ва совғалар учун депутатдан миннатдормик, дейди Фузор тумани 351-отряд раҳбари Лазиз Намозов. Ҳосилни нест-нобуд қилмай, тез ва соз йиғиштириб олиш бу-

гуннинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бор имкониятни ишга солган ҳолда комбайнимизнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаяпмиз. Мақсадимиз – ризку рўзимиз бўлган дон ҳосилини сифатли йиғиштириб олишдир. Меҳнатимизнинг қадрланиши ва тақдирланиши бизни янада самаралироқ ишлашга ундайди.

Феруза МУСТАЕВА,
О'зЛиДеР Қарши туман кенгаши консультанти



"Алпомиш"нинг қайтиши

XXI ASR

Нукуслик ёш тадбиркор Алпамис Керимназаров бизнес фаолиятини бошлаганига кўп бўлмади. Утган йили "Микрокредитбанк"нинг 118 млн сўм миқдоридаги кредити эвазига "Zulkhandiyar Nukus" МЧЖ стоматология клиникасини ишга туширди. Ушбу муассаса эндиликда "Stom Center 51" бренди остида иш юритмоқда.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши вакиллари ва фаол ёшлар ушбу клиника фаолияти билан яқиндан танишди. Алпамис Керимназаров клиникада мижозлар учун яратилган шарт-шароитлар, тишни даволашда қўлланиладиган тиббиёт ускуналарининг ўзига хос афзаллик жиҳатлари бўйича батафсил маълумот берди.

Мижозлар учун 7 нафар ишчи-ходим хизмат кўрсатиб келмоқда. Ёш тадбиркор Алпамиснинг келажакдаги режалари ҳали бисёр. Чимбой, Хўжайли, Тўртқўл ва Беруний туманларида ҳам клиника филиалларини очиш ниятида.

Клиниканинг фаол ёшлари партия сайловолди дастури лойиҳаси бўйича ўз тақлифларини ҳам билдиришди. Қолаверса, клиника қошида О'зЛиДеРнинг янги қуий бўғини очилди.

Маълумот ўрнида: бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида О'зЛиДеРнинг 65 мингдан зиёд аъзолари 1000 дан зиёд бошланғич партия ташкилотига бириктирилган бўлса, шундан Нукус шаҳрида 11 мингдан зиёд маслақдошимиз 77 та қуий бўғинга бирлашган.

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Хуршид ДУСТМУҲАММАД

Ақлли кулги

Журналистларнинг тили узун, кўли қисқа.

Тор хонада ўтирсанг ҳам, дунёқарашинг кенг бўлиши мумкин.

Одам ўзини нодонроқ кўрсатиши учун ҳам ақл керак.

Кўзи ожизни етаклаб олган одам ён-атрофга ундан-да кўпроқ хавотирда аланглайди.

Билимсизликдан фақат билимлилар азият чекади.

Ўткир мулоҳазаларни миангдан авайлаб чиқариб олмасанг, бошинга шикаст етказиши мумкин.

Ўзининг фикри бўлмаган одамлар ўзга фикрлар ичида кун кечиради.

Одам жуда кўп жойда тили қисик бўлади, бошқаларнинг кўмагига муҳтожлик сезади. Лоақал ўзинг танлаган касб-коринг бобида бировларга қарам бўлмасликка эришиш керак. Лоақал ўз касбингда хўжайиндек ҳис қил ўзингни, инсон!

БИЛДИРИШ ХАТИ

“Universal Mobile Systems”

масъулияти чекланган жамияти
("UMS" МЧЖ, СТИР 303020732)

Жамиятнинг ягона иштирокчиси томонидан Жамият Устав капиталини 1 057 809 884 220,36 сўмгача камайтириш ҳақидаги қарори қабул қилинганини маълум қилади (2021 йил 18 июндаги 69-қарор).
Жамият кредиторларининг талаблари қуйидаги манзил бўйича билдирилиши мумкин:
Тошкент шаҳри Амир Темур шоҳқўчаси, 24.
Тел./факс: (+998) 71 235 81 60.

ЭЪЛОН

“PSB Insurance”
МЧЖ
суғурта
компаниясининг
0033062-
рақамли
яроқсиз
ҳолдаги полис
бланкаси
йўқолгани
сабабли юридик
кучини
йўқотганини
маълум
қиламиз.

Самарқанд туманидаги “Азизов Қурбон” фермер хўжалиги жамоаси

сўз ва қаламга суяниб,
бу улуғ неъматларни қадрлаб, улуғлаб
яшаётган соҳа ходимларини
касб байрами билан самимий
муборакбод этади.

Заҳматли меҳнатингиз
роҳатини кўриш, эл-юртнинг
қувонч-ташвишига шерик бўлиш
бахтидан айирмасин.

Адолат ва ҳалоллик ҳамиша шиорингиз
бўлишини тилаймиз!

ЭЪЛОН

“PSB Insurance” МЧЖ суғурта компаниясининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳайдовчилар сони чекланган ва чекланмаган қуйидаги рақамли суғурта полислари бланкалари ва махсус давлат белгилари бекор қилинди ва улар бўйича “PSB Insurance” МЧЖ суғурта компанияси томонидан мажбурият олиб борилмайди.

PSL 0025301 дан PSL 0025310 гача;

PSL 0025314;

PSL 0025322 дан PSL 0025330 гача;

PSL 0025332, PSL 0025334, PSL 0025353,

PSL 0025354, PSL 0025357;

PSL 0025360 дан PSL 0025390 гача;

PSL 0025392 дан PSL 0025500 гача;

PSL 0025512 дан PSL 0025514 гача;

PSL 0026201 дан PSL 0026400 гача;

PSL 0026601 дан PSL 0026800 гача;

PSL 0027301 дан PSL 0027400 гача;

PSU 0004562;

PSU 0004565 дан PSU 0004570 гача;

PSU 004575 дан PSU 004576 гача;

PSU 0004578;

PSU 0004584 дан PSU 0004600 гача;

PSU 0005351, PSU 0005353, PSU 0005354, PSU 0005371;

PSU 0005386 дан PSU 0005400 гача;

PSU 0005801 дан PSU 0005900 гача;

PSU 0006201 дан PSU 0006400 гача.

ТОДИМАРЖОН ИЭС

*Жамятимиз кўзиче дея таърифланадиган
барча омавий ахборот воситалари ходимларини
каеб байрами билан қутлаймиз. Милашимиз – еўз эркинлиги,
шаффолик ва жомелик йўлида қилаётган
хизматларинииз бардавон бўлеин.*



Сўзга суяндим, Сизга суяндим!



ЖУРНАЛИСТ

Журналда Э.А.М.И.Р.З.А.В.А.

КУНДАЛИКДАН ПАРЧАЛАР

Ўзим ўқиб битирган мактабни ёздим. Очиғи, авария ҳолатда эди. Шир этиб ёмғир ёғса, хонага қуйилар, ўқувчилар ёмғир куйини эшитиб дарс тинглашарди. Сохта дипломлилар босиб кетганди. Улар маҳоратсизлигидан, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларини калтак билан йўриқларига солишга уринишар, шу боис кичкинтойлар ўқитувчи келаверса, пашша қўрийдигандек беихтиёр қўлларини бошларига олиб борар, гўё ҳимояга чоғланишарди. Олимпидаларда туманнинг олди бўлиб келган мазкур даргоҳда энди маънавиятдан қўра фиску фасод урчиб улгурган эди. Аммо кимлардир қўлини бигиз қилди: "Ўзи ўқиган мактабниям ёзадими?"

...Тухмат билан узоқ муддат – 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва ўн йилдан сўнг оқланган туман (Чироқчи) ҳокими ҳақида ёздим. Қонунчилик бўйича унинг ҳақ-ҳуқуқи бор эди, бир вақтлар ноҳақ қамалгани ва бугун суд қарори билан оқланиб, юзи ёруғ бўлгани ҳақида матбуотда эълон қилишимизни сўрашга. Халқ билиши керак унинг айбисизлигини, ахир элнинг кўз ўнгида олиб кетилган ўша машъум кунда.

Хуллас, у айбдорликда гумон қилиниб, маҳқамага тортилганидан сўнг бошидан кечирган азобу изтиробларини тингладим. 3 000 варақдан ортиқ бўлган суд ва тергов материаллари билан танишиб чиқдим, у ишлаган ҳудудга бориб аҳоли билан суҳбатлаш-

дим, фикрларини олдим. Ёзмасликнинг илоҳи йўқ. Уйқусиз уч сутқада мақола – оқлов тайёр бўлди.

Ўқиб кимдир йиғлади, дуо қилди, бизнинг ҳам бошимиздан шундай кунлар ўтди, мениям ёзинг, деганлар кўпайди.

Оқланмишининг-ку қўяверасиз хурсандлигини.

Яна кимдир аяб ўтирмади: "Қанча берди ўша катта, катта мақола ёзибсан?".

Мен эса қулдим.

Шикоятлар бўлимида ишлашдан, арзчиларнинг арзини тинглашдан ҳамма қочади. Мен эса мазлумларни яхши кўраман, оддий инсонлар билан гаплашсам, роҳат оламан. Уларга чанг юкичалик ёрдам қилолсам ҳам, тоғдай суюнаман, юзимга қон югуради. Аксинча, яхшилик қилолмаганим сари оғирлаша бораман.

Ёқимлиси, улар менга бу дунёда инсонларга нима кераклигини ўргатишди: эътибор ва меҳр керак экан!

Фойдалиси, улар менга ўзим кутмаган, ўзим бошимдан кечирмаган мавзуларда бошимдан кечиргандек ижод қилишга ундади, кўзгунин қаерга тутишим кераклигини ўргатишди!

Энг муҳими, халқ дардини ҳис қилишни ўргатишди.

...Ҳар кун ишга отланаётганимда Аллоҳдан сўрайман: "Қасбимдан яхшилик қилишга муяссар айла, одамларнинг корига яровчилардан қил, норози қилувчилардан қилма".

Одамларимиз жуда андишали, айни масалани ҳал этиши зарур бўлган идорага борса ҳам, қимтиниб мурожаат қилишади, кўзинга умидвор боқишади (жанжалкашлари ҳам бор дейишга шовилманг, ундайлар ҳамма жойда, ҳамма соҳада учраб туради, улар билан халқимизни ёмонотлиқ қилиш инсофдан эмас).

...Бир аёл келди, қўлида уннинг бўшаган қопидан тикилган сумка, ичи тўла ҳужжат. Аввал бир пиёла сув бердим. Тин олиб, дилини ёрди, сумкадан ҳужжатларини чиқарди, йилма-йилига устма-уст тахлаган экан бояқиш. Аризасини далилловчи ҳужжатларини уларнинг орасидан танлаб олдим, натижаси ҳақида хабар беришимизни айтдим. Кетар чоғида кафтини очиб, дуо қилар экан, хўнграб йиғлаб юборса денг: "Уч йилдан бери сарсонман, мени тингламасдан, аризамни ўқимасдан олиб қолишади, у эса айланиб ўзимга бораверади, исботи – ҳужжати илова қилинмаган деб. Мен бир қишлоқи аёл бўлсам, нима муҳимлигини билмасам, ўзлари танлаб олишади деб ҳамма зарур ҳужжатларни олиб юраман-у, ҳаммасини қолдирилмайман-ку?!".

Хуллас, аёлнинг шикоятини уни ҳал қилиш ваколати бўлган идорага юбордик, мuddати яқинлашгач, сўраб-сўроқлаб турдик, қутилганидан ортиқ ижобий натижа бўлди. Мурожаатчи ҳам бу ҳақда жавоб йўллангани билдирилган бўлса-да, чекка вилоятга етиб боришигача сабрим чидамади, хушхабарни етказиб, у кишини аввалроқ хурсанд қилишни истадим. Ниҳоят ўглининг қўл телефони орқали боғланиб, натижани айтганимни биламан, муштирагина аёл қувончини яна кўз ёши билан намоян этди: "Ўзинг ва етти пуштинг, илоҳим, сарсонлик кўрманглар, қизим!".

Мен суюндим, елкамдаги оғирликлар учиб кетди гўё.

Қувонаманки, бугун ўша мактаб ўрнига замонавий бино қад кўтарган, ўқувчилар мазза қилиб ўқишмоқда.

Сохта муаллимлар четланиб, асл устозлар маърифат-зиё сочишмоқда.

Хурсанд бўлдимки, илк келганида ноҳақликлар, менинг айбим нима, деган тизгинсиз саволлар йиллар давомида ич-этини кемирган ва у оғриқлардан ранги сарғайган, зўрга қулиб турган ўша оқланган инсонни икки ой ўтиб таниёлмадим – кўзлари порлар, хотиржам ва хурсанд, анча ёшарган эди... Миннатдорлигининг чеки йўқ эди: "Судда оқланганимдан яқинларим, нари борса 100 киши хабар толган

эди, аммо газета мени халқим олдида чинакам оқлаб берди. Ишонасизми, мақола чиққанидан бери табриклаш учун туну кун кўнғироқлар бўляпти, кўргани келишяпти. Эътибор қаддингни кўтарар экан! Матбуотнинг сўзи барибир бошқача бўлар экан, бу менинг йиллаб ютган дардларимни ариятпти, барака топинг".

Суюнаманки, ўша хола онам қатори ҳар тонгда мени йўқлайди, дуолар қилади. У ёқ-бу ёққа кетганимда қўл телефонимга тушолмай қолса, топиши билан мулойимгина ёзғира кетади: "Кетаётганингни бир оғизгина айтмайсанми, хавотир олдим, болам...".

Қасбимни жудаям яхши кўраман. Қизғин ишлаш жону дилим, енгил ишни елкам кўтармайди, силангни, боларингни қолдириб келганинга яраша арзийдиган иш бўлса яхши-да.

Вазифамни ҳузур қилиб бажараман, маошмининг кам ё кўплиги бунга таъсир этмайди.

Иш мен учун байрам, ишхонага байрамга отлангандек отланаман.

Мени биргина нарса хафа қилади, холос – АДЛАТСИЗЛИК!

20 йилдан бери оммавий ахборот воситаларининг айнан матбуот йўналишида ишладим. Газетчилик жону дилим, оилабоп соҳа. Ишининг битиши бошқаларга боғлиқ эмас, қоғозу қалам ва бир ҳовуш дардинг, тажрибанг бўлса кифоя. Бирор мақола охирига етмадимми, уйга олиб кетиб, битказиб келавераман.

20 йилки, иш вақтим тугаганини сезмай қоламан, гўё кун энди ярмига келгандек. Қачон олти бўлар экан, деб соатга тикилганимни эслолмайман, аксинча, яна ишлагим келганидан тахририятда қолиб кетган пайтларим кўп бўлган. Турмуш ўртоғимдан фақат биргина дакки эшитаман, у ҳам бўлса ана шу важдан. Одобли бўлишга ҳар қанча сўз бермай, ишлаш истаги мени ёлгончи қилиб қўяверади...

Иш ҳеч қачон тугамаган, эртага давом эттирасан, деб маслаҳат беришади. Тўғрику-я, аммо мен хотиржам ухлашни кўпроқ яхши кўраман-да.

Қўллар билан суҳбатлашдим, таъсирланма қозлаб мақолалар ёздим, ҳали ёзолмаганларим қанча?!

Аммо... онам билан ёрилиб гаплашолганим йўқ, дадамнинг юрагига кириб боролганим йўқ, силарга муносиб фарзанд бўла олдимми, дея ҳад сизиб сўралганим йўқ...

 <p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ақтам ХАЙТОВ Дилшод ШОУМАРОВ Шухрат БАҒОЕВ Мавлуда ХУЖАЕВА</p>	<p>MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p>XXI ASR IQTIMOIY-SIVOSIY GAZETA HAFTALIK NASHR</p> <p>Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Сирожиддин САЙИЙД Алҳам ШОДМОНОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p> <p>Фаррух ЖАББОРОВ Бош муҳаррир урнибосари</p>	<p>Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73-уй</p> <p>электрон почта: xxi_asr@umail.luz xxi_asr@mail.ru</p> <p>Телефонлар: ҳаблявани – 71 215-63-80 (шар.факс)</p> <p>Обуна ва реклама буына – 71 253-68-52</p>	<p>"XXI asr" iktimoiy-siviosiy gazetasini Uzbekiston Matbuot va axborot agentligida 2011 йил 14 июнда 0009-raqami bilan ruyxatdan utkazilgan.</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Г – 651 Тираж: 3477 Электрон газета тиражи: 505 Баҳоси келишилган нарҳда. Топширилди – 21-20</p>	<p>Тахририятда келган қўлёғалар тахрир қилинмайди ва муаллимларга қайтарилмайди.</p> <p>© "XXI asr" дан олинган маълумотларга менаба сифатида газета номи кўрсатилмайди.</p> <p>Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр</p> <p>Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.</p>	<p>ISSN 2383-497X</p>  <p>НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456</p> <p>Навбатчи муҳаррир: Фаррух ЖАББОРОВ</p>
---	---	---	---	--	--